





## ШОНЛИ 65 ЁШЛИ ЮБИЛЕЙИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, КАДРЛИ РАФИК МУХТОР!

Андижонда Рафик Мухтор деган шоир ва хушовоз хофиз бор. Тўладан келган, ок сарик юзли, алпкомат бу одам кулганда Чингизхоннинг кўзларидай кийик кўзлари юмилиб, корачиклари кўринмай кетади. У кулса, юракдан кулади ва зинхор ичи кора, хасадгўй, майда кимсалар каби тиржаймайди. Осмонга караганича дев каби кахкаха отиб кулади. Рафик аканинг кулаётган

чехраси қуёшни эслатади. Боладай оккўнгил ва содда бу шоирнинг корнида гап ётмас, ўз одатидан уялган шоир сир эгаларидан кечирим сўраб ҳам кўяркан; - Нима килай энди, менинг корнимда гап ётмайдида - дея хижолат чекарди. Соддалиги шу даражадаки, унга бирон гапни айтсангиз, орадан хеч канча вақт ўтмай, сиз айтган сирни бутун вилоят эшитиб бўлади. Шунинг учун мен, дўстлар билан йигилишганда уларга; - Одамлар ахмоқ бўлиб рекламага пул сарфлаб юришибдида. Ундан кўра, Рафик акамга айтиб кўйсалар, махсулотини беш секундда бутун дунёга реклама қилиб ташлайди - дея хазиллашиб кўярдим. Гапимдан хафа бўлиш ўрнига, Рафик акам: - тўгри - дерди жилмайиб. Рафик акам баъзан; - Жуда унақа зарур сирларни менга айтманглар -да деса, унга менинг раҳмим келиб кетарди. У шундай калби бегубор, феъли дарёдай кенг, олийжаноб бир ИНСОН.

Сизларни зериктирмаслик учун унинг бадихагўйлиги (Экспромт шеърларга усталиги), аскиячилар каби бахру - байтда хозиржавоблигидан бир шингил айтиб берай.

Рафик Мухтор кўчада ё автобусларда кетаётиб, турли шеър - маталлар айтиб, хаммани ўзига ром қилиб олади. Унга бирон одамнинг исми айтилса хисоб, бир зумда ўша одамга атаб шеър тўкиб ташлайди. Бир куни Рафик акам, битта кизга: - Синглим, исмингиз нима? - деди. - Мадина - деди халиги киз, уялиб. Рафик акам ўйланиб ўтирмай: - Мадина, сиз дунёда едина - деса бўладими, ярмини ўзбекча, ярмини ўрисча қилиб. Бир автобус одам қулиб, қотиб қолган эди ўшанда. Киз бечара уялиб, кийп - кизариб кетганди. Рафик Мухторнинг шоирлик, хофизлик хунари ҳам оздай, наботот оламидаги тамоми дарахт ва гиёхларнинг номини, уларнинг у ёки бу хусусиятини беш қўлдек билар, корин дам бўлса, ёхуд бош огриси нима қилиш керак, унга қандай гиёх дори бўлади, ёки иссик – совук миждозлар, қабзиятлар хақида Ибн Синога ўхшаб, уржузалар ёзарди. Ёзган юзлаб уржузаларини тўплаб, алохида китоб холида нашрдан ҳам чиқарган. Энди Рафик акамнинг табобатдаги хангомасидан бир шингил:

Бир куни, қандайдир адабий анжуман ва концерт бўлдию унга Рафик акам иккаламиз бордик. Анжуман Андижон воқеаларида қуйиб, ер билан яксон бўлган Охунбобоев театрида ўтар, биз зал тўридаги ўриндикларда ўтирардик. Бир

махал, Рафик акам кастимининг ички чўнтагидан коғоз олдида, унга бир нарсаларни ёзди. Кейин халиги коғозни оғзига солиб, ея бошлади. Буни кўриб, менинг кўнглим айнади.

- Ие, Рафик ака, нега коғозни ейяпсиз? - дедим мен, таажжубланиб.

- Бу дуо ёзилган коғоз, бош оғрикни колдиради. Сенга ҳам дуо ёзиб берайми, ейсанми? - деди.

- Йўк, рахмат ака, менинг бошим оғримаяпти - дедим шошиб. Консертда Тошкентдан келган кўзи ожиз бир хофиз ширали овоз билан кўшиқлар ижро этиб, бизнинг диккатимизни тортди.

Хофизнинг исми Оролмирза, фамилияси Сафаров экан. Консерт тугагач, бориб хофиз билан кўришдик. Семиз, кориндор хофиз биз билан сухбатлашар экан, Тошкентча саёз дўпписини кўлтигига қисиб олиб, икки кўли билан бошини хузур қилиб кашлади. У ўз бошини кўшқўллаб шу даражада кашладик, унча ўсмаган сочларидан қазгоқлар тўзғиб кетди. Менинг шайтоним кўзиб, хофизга хазил қилдим.

– Сиз Оролмирза эмас, Кирилмирза экансиз – дедим.

– Ха, ха, сиз Карўльмирза экансиз деди – Рафик акам ҳам, менинг гапимни тасдиқлаб. Бизнинг гапимизни эшитиб, хофиз тошкентча дўпписини бошига қияркан, қорнини силкитиб роса қулди. Биз ҳам қулдик. Рассом ва шоир Одилжон Нишонов, шоир Зиё Нажмий, тенгқур шоир дўстим Адхам Шер, Хофиз Кўчкор акам, фотограф Дониёр Самад (Дониш Қаноат), доирачи Хамид ака, шоир Кодир Қалам (Қоля Қарандаш) ва бошқа кадрдонлар деярли доим бирга юрардик. Бирга ош ердик. Шундай давраларда мен Рафик акамни холи жонига қўймай, “Феруз” ни айтиб беринг дея хит қилиб юборардим. Рафик акам йўқ демай, сезни қулогига яқин олиб бориб, ришталарни обдон созларкан, “Феруз”ни бўйин томирлари бўртиб, зўриқишдан қизариб, ўзини тамом унитиб қуйлар эди.

Рафик акам:

- Гам тошиииииин, ёғдиииииирса Фархооод уууууууустинаааааааааааааааа!

–деб авж пардаларда қуйлаётганда биз завқу шавққа тўлиб, қийқириб юборар эдик. Рафик акамнинг “Чумоли” номли кўшиги бўлиб, у бизнинг гимнимиз эди. Энди “Чумоли”ни айтинг дердик. Рафик акам “Рафик Мухтор сўзи, ижро этади ўзи” деб туриб :  
- Чимали чиммалийя! Майда Чиммалийя! – деб қуйлашни бошлар, биз эса, самоъ рақсини ижро этаётган сўфийлар каби ер

депсиниб, чарчагунимизча оммавий раксга тушардик. Шу йўсинда ўзимизни хурсанд килиб яшардик. “Кўшарик” дахасидаги кабристонга якин жойда Рафик акамларнинг ховли уйи бўларди. Хозир у ховли бузилиб кетган. Ўша ховлини саклаб коллмадик. Саклашга харакат килишимиз боиси, у ховлида Рафик акамнинг падари бузруквори, мархум газалнавис шоир Мухтор кори (Мухторжон Тожибоев) яшаб, ижод килгандилар. Ўзбекистон Халк Хофизи Шерали Жўраев Мухторжон отанинг “Гафлатда колсин душманинг” деган газалини кўшик килиб ижро этганлар. У ховли гарчанд бузилиб кетган бўлсада, менинг хотирамда хамон кад кўтариб турибди. Эсимда, Рафик акамнинг оёқлари каламдай – каламдай келадиган кичкина, лекин ўта сергак ва баджахл “Куча” деган лайча ити бўларди. “Куча”га караб туриб, кулгим кистарди. Чунки у Иван Сергеевич Тургенев ёзган машхур “Муму”ни эслатар, Рафик акам бўлса, Мумунинг бўйнига гишт боглаб, дарёга чўктирган девкомат Герасимни ёдимга соларди. Биз шўрва – пўрва ичсак, суягини “Куча”га отиб, унинг хурсандчилигини, хурмонинг соясига ётволиб, хафсала билан суяк гажишини кузатиб ўтирардик. “Куча” то Рафик акамларнинг уйи сносга тушгунга кадар, ўша ховлини садокат билан кўриди. Кўчиб кетиш вақтида Рафик акам “Куча”ни бировга бериб юбордим, ёки садокатли лайча ўз ажали билан ўлдими, хозир аник эсимда йўк. Нима бўлсада, мен “Куча” ни тез – тез эслаб тураман. Ўша вақтларда биз ижодкорлар камтарин хаёт кечирардик. Лекин подшоҳлардан хам бахтли эдик. Бир – биримизни кўллаб – кувватлардик, нон увок топсак, бўлишиб ердик. Ўша вақтларда Рафик Мухтор минга якин газалларини, мухаммасу маснавийларини, мустахзоду мураббаларини тўплаб, девон туза бошлаган эди. Бир куни у менга: - Холдор, девонни кўздан кечириб, анча – мунча хатоларини тўгрилашга ёрдамлашгин – деди. Шундай килиб, биз девонни кўздан кечира бошладик. Девондаги айрим камчиликларни, бахрлардаги сакталикларни билганимча айтиб, кўмаклашар эканман, Рафик акамнинг ёши улуг бўлишига карамай, хотираси ва зехни ўткирлигига койил колганман. У мен ўргатган нарсаларни жуда тез ўзлаштириб олди ва такаббурлик килмай: - Арузда баъзи нарсаларни билмас эканман, сендан ўргандим. Энди бугундан бошлаб сен менинг устозимсан – деди.

– Э, кўйсангизчи – дедим мен.

– Йўк, бехазил айтаяпман. Сени энди ўзимдан ёш бўлсангда, устоз дейман – деди яна Рафик акам. Ха, Рафик акам шундай кичик кўнгил, меҳрибон, диёнатли, халол ва донишманд инсон. Яқинда “Янги дунё” сайтига кирдим, кадрдон акам ва дўстим Рафик Мухторнинг суратини кўриб, рухим ёришиб кетди. Кейин беихтиёр кўзларимдан ёш чикиб кетди. Негаки, бирмунча вақт аввал шоир дўстим Адхам билан телефон орқали суҳбатлашар эканмиз, Рафик акамни сўрасам, дўстим Адхам: - Рафик акам сени соғинибди. Холдорни жуда соғиниб кетдим – дея сенга салом ва дуолар йўллади - деди. Ўзи анчадан бери Рафик акам хақида шеърми, бирон насрий нарсам ёзиш фикри менга тинчлик бермас эди. Бугун мавруди экан, ниҳоят ёздим. Шу ёзганларим устозимиз, болалардай оккўнгил инсон, таланти шоир ва хофиз Рафик Мухторнинг 62 ёшли таваллуд тўйларига бир арзимас тўёна бўлсин. Халкимиз, яқинларингиз, дўстларингиз ва биз каби шогирдларингиз бахтига хамиша омон бўлинг, Рафик ака!

Хурмат билан, Холдор Вулкон.

28 апрель, 2010 йил,  
Кеч соат 8 дан 30 дақиқа ўтди.  
Торонто шаҳри, Канада.



Куйида Рафик Мухтор каламига мансуб ажойиб бир газални эътиборингизга хавола киламиз. Шоирнинг мазкур газали Андижонда нашр этиладиган “Икбол” интернет

газетасидан олинди.



## ХУР ЗАМОН БЎЛДИ

Кувон, дил, ер юзида кўп элатлар биз томон бўлди,

Хавас бирла бокар эллар ажойиб хур замон бўлди.

Неча хил ахли миллат юртбошимиз амрини ушлаб,

Бўлиб хеш, акрабодай бир-бирига меҳрибон бўлди.

Бу янглиг нур замонни кўрмаган Жамшиду, Искандар,

Йўколди кир, адоват, барча миллат жонажон бўлди.

Йигитлар мисли Фарход гайрат айлаб тогни талконлар,

Париваш кизларимиз номи машхур қахрамон бўлди.

Етиб чўл багрига сув ташна тупрокларни□ кондиргач,  
Ки хар бир катрасидан элга мўл кўл ошу, нон бўлди.

Туганмас таърифи хеч,□ чордевон шаънига□ тузсам оз,  
Коронгу тун ёришди хар замонам□ нурга кон бўлди.

Тилингни айла гўё гулшанингда,□ эй Рафик Рафтор,  
Етишлик муддаога нур сочиб□ бу кун аён бўлди.

**Андижон□ шахри.**





